



Бугунги кунда бутунжаҳон халол махсулотлар бозори 580 млрд доллар деб баҳоланмоқда...

12-13 май кунлари Куала-Лумпурда «Инвестициялар ва интеграция ҳисобига тармоқнинг муттасил тараккиёти» мавзусида учинчи бутунжаҳон халол махсулотлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир давомида Бирлашган Араб Амирликлари Исломи савдо-саноат палатасининг президенти шайх Солих Камол халол махсулотлар тармоғини ривожлантиришнинг бутунжаҳон дастурини тақдим этди. Дастурга кўра, халол махсулотлар тармоғини стандартлаштириш ва сертификатлаш таъминларини такомиллаштириш ҳисобига ривожлантириш мумкин. Бугунги кунда бутунжаҳон халол махсулотлар бозори 580 млрд доллар деб баҳоланмоқда.

Бу бозор улкан ривожланиш салоҳиятига эгадир. Анжуманга ушбу секторнинг турли тармоқлари вакиллари тўпланиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда истикболдаги тараккиёт имкониятлари бўйича фикр алмашдилар. Халол махсулотлар бутунжаҳон форуми тармоқ вакиллари ҳамда экспертлар учун Исломи иқтисодиётининг ушбу тармоғини ривожлантириш режаларини белгилаб олиш учун муносиб платформа бўлди. Форум катнашчилари халол махсулотлар тармоғининг тараккиётига таъсир кўрсатувчи энг муҳим муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини келишиб олдилар, шунингдек, сармояларни сарфлаш учун устивор лойиҳаларни аниқлаб олдилар, деб хабар беради «Ислам для всех».